

ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИ БОШҚАРИШ МУАММОЛАРИ

Ф.М.Юлдошева,
ТерДУ, катта ўқитувчи

Ўзбекистон республикаси биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовни хотирлаб кўпгина ўғитлари айниқса биз ўқитувчиларга нисбатан айтган беқиёс фикрлари қалбимизда мухрланиб қолган. «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида таъкидлаганларидек: “Аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот — ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз. Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз”.

Ўқитувчининг ўрни ва унинг вазифалари, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига жамият ва жамоатчилик томонидан эътибор қаратилишининг нақадар муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланади. Мамалакатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ўқитувчининг ёш авлодга таълим ва тарбия беришида жамият олдида жавобгарлиги янада ортиб бораверади.

Ҳозирги шароитда жамиятнинг таълим муассасалари олдида қўяётган талаблари кун сайин ортиб бормоқда ва бу талабларни амалда тўғри ҳал қилиш вазифаси ўқитувчига боғлиқдир.

Замонавий ўқитувчиси қатор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи- ўқув жараёни ташкилотчисидир. Ўқитувчи ўқувчилар учун дарс пайтида, кўшимча дарсларда ва шу билан бирга дарсдан ташқари ҳолларда ҳам керакли маслаҳатлар беришда билимлар манбаидан биридир. Кўпчилик ўқитувчилар гуруҳ мураббийи вазифасини бажариб, тарбия жараёни ташкилотчилари бўлиб ҳисобланадилар. Замонавий ўқитувчи ижтимоий

психолог бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга сола олиши, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарурдир.

Ўқитувчи педагог жамоа аъзоси сифатида таълим муассасаси ҳаёти фаолиятини уюштиришда бевосита иштирок этиб, турли фан ўқитувчилари ва гуруҳ мураббийларининг методик бирлашмаларида ишлайди, топшириқларни бажаради. Ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларнинг ота-оналари ва жамоатчилик олдида маърузалар ўқиб, суҳбатлар олиб борар экан, демак, у педагогик билимлар тарғиботчиси ҳамдир. Вазифаларнинг шу қадар кўплиги учун ҳам жамиятнинг ўқитувчилар олдида қўядиган талаблари тушунарлидир.

Ота-оналар ўқитувчидан унинг иш стажини ва ёши қандай бўлишидан қатъий назар, фарзандларини тарбиялаш ва ўқитиш маҳоратини кутадилар. Ўқувчилар эса ўқитувчиларни уч хил хислатлари бўйича характерлаб берадилар. Жумладан, биринчидан, ўқитувчининг одамгарчилиги, адолатлилиги, соф виждонлилиги, болаларни яхши кўриш хислатлари; иккинчидан, ўқитувчининг сезгирлиги, талабчанлиги билан боғлиқ ташқи хислатлари ва ҳулқ-атвориға қараб; учинчидан, ўқитувчининг ўз фанини билиши, уни тушунтира билиши каби таълим жараёни билан боғлиқ хислатларига қараб характерлаб берадилар. Ўқитувчи жамият томонидан қўйилган талаблар билан бир қаторда ҳамкасблари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ундан нималарни кутишини ҳам эсдан чиқармаслиги лозим. Психологлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича ҳалқ таълими бўлимлари ва мактаб директорлари ўқитувчининг айрим хислатлари нақадар муҳимлигини ҳар хил баҳолайдилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қўйиладиган талаблар билан бирга, ўқитувчи шахси ва унинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган ижтимоий талаблар ҳам ўсиб бормоқда.

Ўқитувчилар жамият томонидан қўйиладиган талаблар, турли хилда ижтимоий кутишлар, педагогнинг индивидуаллиги, унинг шу тариқа талабларга жавоб беришга субъектив тайёрлиги муайян ўқитувчининг педагогик фаолиятига нақадар тайёрлигидан далолат беради. Шунисини муҳимки, замонавий ўқитувчи учун зарур бўлган шахсий хислатларни батафсил кўриб чиқиш керак. Бу қандай хислатлар экан? Кўпчилик психологлар шу билан бирга Ўзбекистонлик психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар замонавий ўқитувчилар учун энг зарур хислатларни аниқлаб олиш имкониятини беради.

Абу Наср Фаробий устоз ўқитувчига шундай талаб қўяди: "Устоз шогирддарига катта зулм ҳам ҳаддан ташқари кўнгилчанглик ҳам қилмаслик лозим." Чунки ортиқча зулм шогирдда устозга нисбатан нафрат уйғотади-ю, устоз жуда ҳам юмшоқ бўлса шогирд уни менсимамай қўяди ва у берадиган билимдан совиб ҳам қолади. У ўқитувчига болаларнинг феъл атворига қараб тарбия жараёнида "қаттиқ" ёки "юмшоқ" усуллардан фойдаланишни маслаҳат беради. Унинг фикрича:

1. Тарбияланувчилар ўқиш-ўрганишга мойиллик билдирсалар, уларга таълим тарбия жараёнида юмшоқ усул қўлланилади.

2. Тарбияланувчилар ўзбошимча итоатсиз бўлсалар, қаттиқ усул (мажбурлов) қўлланилади.

Бошқарув бу шундай йўналтирувчи кучки, у инсонлардаги ижодий потенциал имкониятларини оладиган шароитларини юзага чиқаришни мақсад қилиб қўяди. Шундай экан ўқитувчининг таълим тарбия жараёнини тўғри ва оқилона бошқара олиши ўқувчи шахси камолотида ниҳоятда каттадир. Педагогик жараён мураккаб ҳисобланиб, ўзига хос бошқарувни талаб қилади. Педагогик жараёни бошқариш шундай йўналтирувчи кучки, у таълим жараёни иштирокчиларидаги ижодий имкониятларини юзага чиқаришни мақсад қилиб қўяди. Шундай экан ўқитувчининг таълим тарбия жараёнини тўғри ва оқилона бошқара олиши ўқувчи шахси камолотида ниҳоятда каттадир. Фаолиятдан кутиладиган натижа мақсад ҳисобланади.

Ўқув жараёнининг бошқарилиши иккита асосий мақсадни кўзда тутди. Улардан биринчиси, ўқув жараёнини тўғри ташкил эта олиш, иккинчиси эса ўқувчиларнинг шахсий қизиқиш ва эҳтиёжларини қондиришдир. Ана шу мақсадлар таълимни бошқаришнинг вазифаларини белгилаб беради.

Таълим жараёнини педагогик ва психологик бошқарилиши иккита асосий мақсадни кўзда тутди. Улардан биринчиси, ўқув жараёнини тўғри ташкил эта олиш, иккинчиси эса ўқувчиларнинг шахсий қизиқиш ва эҳтиёжларини қондиришдир. Ана шу мақсадлар таълимни бошқаришнинг вазифаларини белгилаб беради. Демак, ўқув жараёнини бошқаришнинг биринчи вазифаси ташкилий бўлиб, ўқувчиларни таълим ва тарбияси бўйича ижтимоий буюртмаларни қондириш; иккинчи вазифаси – бевосита ўқувчини қизиқиш ва талабларини қондиришга йўналтирилган ҳолатдаги ижтимоий вазифаси.

Таълим жараёнини педагогик ва психологик бошқарувнинг иккинчи вазифаси айнан ижтимоий - психологикдир. Бу вазифа ўқувчиларда самарали фаолият учун зарур бўлган ижтимоий – психологик ҳолат ва хусусиятларни ривожлантиришга қратилади. Бу ҳолат ва хусусиятлар ўқувчиларни ўзаро жипслаштириш, назорат, ўз – ўзини бошқариш, шунингдек, мустақил таълим олишларини ривожлантиришдан иборат бўлиб, таълим жараёни самарадорлигини оширишни назарда тутди.

Ўқитувчи таълим жараёнини педагогик ва психологик бошқариш учун қуйидаги таркибий қисмларни эгаллашлари зарур: Берилган ўқув топшириқларини ечиш учун воситалар танлаш; Топшириқларни ечиш жараёнида ўз – ўзини назорат қилиш; Ўзлаштирилган билимлар, малакалар, кўникмалар сифатини баҳолаш; Ўқув топшириқларини бажарилганлигини текшириш; Ўз олдига мақсад қўя олиш. Турли белгилар билан предметнинг ички муносабатларини мувофиқлигини кўра олиш.

Анъанавий ўқитиш усулида ўқитувчи муаммони белгилайди, вазифаларни аниқлайди, муаммони ечиб беради. Ўқувчи эса масалани ечиш

йўллари эслаб қолади ва уни ечишни машқ қилади. Бунда ўқувчиларда репродуктив тафаккур ривожлантириши қайд этилади.

Ноанъанавий таълим эса, ўқитишнинг муаммоли усулида ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш жараёнларини бошқаради, уни ташкил этади ва назорат қилади. Ўқувчи эса муаммони тушинади. Уни ечиш йўллари кидиради ва уни ечади. Бундай ҳолларда ўқувчи тафаккурининг маҳсулдорлиги ошади ва унинг мустақиллиги ривожланади.

Ўқувчининг ўқишга бўлган қизиқишини ривожлантириш учун ўқитувчи бир қатор қоидаларга таяниши лозим. Жумладан, ўқув жараёнини шундай ташкил этиш лозимки, бунда ўқувчи фаол ҳаракат қила олиши, мустақил изланиши, янги билимларни ўзи кашф этиши ва муаммоли характердаги масалани ечиши учун шароит излаши, ўқувчиларга бир хил ўқитиш усуллари ва бир турдаги маълумотларни беришдан қочиш, ўргатилаётган фанга нисбатан қизиқишнинг номоён бўлиши учун айнан шу фан ёки бўлим, ўқувчининг ўзи учун қанчалик аҳамиятли ва муҳим эканлигини билиши зарур.

Ўқитувчи таълим жараёнини педагогик ва психологик бошқаришда ўрганилаётган мавзу ёки билимнинг аҳамиятини кўрсатишда, ўқувчининг ўқув фаоллигини ошириш учун қизиқарли мисоллар, ақлий ўйинлардан кенг фойдаланиши лозим. Лекин, ҳар доим ҳам таълимдаги ҳар бир бериладиган билим ёрқин, қизиқарли бўлавермайди

Янги материал қанчалик ўқувчи томонидан аввал ўзлаштирилган билимлар билан боғлиқ бўлса, у ўқувчи учун шунчалик қизиқарли бўлади. Шу туфайли ҳаддан зиёд қийин материал ўқувчида қизиқиш ўйғотмайди. Берилаётган билимлар ўқувчининг кучи етадиган даражада бўлиши лозим.

Педагогик жараёни тўғри ташкил этиш ва бошқаришда ўқитувчи ўрганилаётган мавзу ёки билимнинг аҳамиятини кўрсатиш, ўқувчининг ўқув фаоллигини ошириш учун қизиқарли мисоллар, ақлий ўйинлардан кенг фойдаланиши лозим.

Таълимдаги ҳар бир бериладиган билим ёрқин, қизиқарли бўлавермайди. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларда ирода, қатъийлик, меҳнатсеварлик каби хислатларнинг камол топтирилишига алоҳида эътибор қаратиши зарур. Ана шундай хислатлар ўқувчининг келгусида ўз – ўзини назорат қилишга, ўз – ўзини баҳолашга ва мустақил таълим олишига асос бўлиши керак.

Педагогик жараёни бошқариш учун махсус билимлар, кўникмалардан ташқари ўқувчилар билан муомала қилиш, улар билан тил топишиш, топқирлик, ҳозиржавоблик, қалтис вазиятлардан чиқа олишлик, вазиятни тўғри баҳолаш, ҳар қандай шароитда ҳам вазиятдан чиқа олишлик ва ўқувчилар жамоасини бирлаштира олиш қобилияти мужассам бўлиши керак.

Бунинг учун аввало ўқитувчи педагогик жамоада ўзининг билими, қобилиятлари билан ўз ўрнига эга бўлиб, ўқувчилар гуруҳи ва педагогик жамоадагилар билан самарали мулоқот қилишнинг қонуниятларини билиши, ўзида коммуникатив компетентликни шакллантирган бўлиши зарур.

Дарҳақиқат, педагогик жараёни бошқариш учун раҳбарда бўлиши лозим бўлган хислатлардан яна бири унинг том маънода “зиёли” бўлиши ёки, бошқача қилиб айтганда, маданиятли бўлишдир. Педагогик жараёни бошқарувчи шахс ўзидаги маданиятни аввало, муомалада, ўқувчилар билан бўладиган кундалик мулоқотларда намоён этмоғи лозим.

Ўқитувчи таълим жараёнини педагогик ва психологик бошқаришда ўқувчиларда ирода, қатъийлик, меҳнатсеварлик каби хислатларнинг камол топтирилиши ниҳоятда зарурдир. Ана шундай хислатлар ўқувчининг келгусида ўз – ўзини назорат қилишга, ўз – ўзини баҳолашга ва мустақил таълим олишга асос бўлиши керак. Педагогик жараёнининг самараси асосан таълим фаолиятини бошқаришга боғлиқ бўлишини ҳар бир педагог чуқур англаши ва бу жараёни самарали ташкил этишга ҳаракат қилиши зарур.

1	Муаллифнинг Ф.И.Ш	1.Юлдошева Феруза Мамасахатовна 2.Избосарова Зухра Анатолий қизи
2	Илмий даражаси ва унвони	-
3	Иш жойи ва лавозими	1.Термиз давлат университети Мактабгача таълим методикаси кафедраси , катта ўқитувчиси. 2.Мактабгача таълим йўналиши 3- курс талабаси.
4	Мақоланинг мавзуси	Педагогик жараёни бошқариш муаммолари
5	Рукн номи	
6	Телефон рақами	+99891 2283959
7	Электрон почта манзили	terduferuza@mail.ru
8	Нашр қилинган нусха зарурми(Ҳа, Йўқ)	Ҳа